

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2023-3/4

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2023

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир хайати:

*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.
Абдуллаева Муборак Махмусовна, б.ф.д., проф.
Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович,
т.ф.д., проф.*

Агзамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.

Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.

Аметов Якуб Идрисович, д.б.н., проф.

Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.

Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.

Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.

Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.

Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.

Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.

Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.

Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.

Жуманов Мурат Арепбаевич, д.б.н., проф.

Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.

Каримов Улугбек Темирбаевич, DSc

Курбанова Саида Бекчановна, ф.ф.н., доц.

Кутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.

Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.

Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.

Махмудов Рауфжон Баходирович, ф.ф.д., к.и.х.

Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.

Мирзаева Гулнара Саидарифовна, б.ф.д.

Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.

Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.

*Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д.,
проф.*

Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.

Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.

Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.

Сапарбаева Гуландам Машариповна, ф.ф.ф.д.

Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.

Сафаров Алишер Каримджанович, б.ф.д., доц.

Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.

Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.

*Тожибаев Комилжон Шаробитдинович,
б.ф.д., академик*

Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.

Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.

Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.

Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.

Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.

Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.

Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.

Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.

Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Худайберганаева Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№3/4 (99), Хоразм Маъмун академияси, 2023 й. – 238 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

МУНДАРИЖА
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Akhmedov U. Linguistic interpretations of semantic derivation	5
Bahodirova F.B. Til va nutq buzilishlarida neyrolingvistikaning roli	8
Begizova M. Implementing pair work in efl classroom	11
Bekmurodova I., Shamsiddinov B. Javlon Jovliyevning “Qo‘rqma” romanida psixologizm prinsiplari	14
Boltayeva G.Sh. O‘zbek va fors-tojik adabiyotida muxammas janri taraqqiyoti	16
Djumaniyazova Z.N. Ingliz va o‘zbek xalq maqollarida ayol obrazining ifodalanishi	19
Ganiyeva Sh.A. Frazologik birliklarda shartlanganlik munosabati	21
Ibragimov N. The role of bilingualism in the development of social sciences	24
Igamuratova D.Ch. “Gapiruvchi” ismlar tarjimasida borasida ayrim mulohazalar	26
Jabbarova L. Oliy ta’lim muassasalari talabalarining fonetik kompetentsiyalarini oshirishning ahamiyati	30
Jalilova L.J., Nematova R. Rey Bredberining «Farengyeyt bo‘yicha 451 daraja» asarida ijodkor va ijod psixologiyasi	32
Jalilova L.J., Salimova D.H. Analysis of the methods of using satire in the works of Said Ahmed's “Qoplon,” and George Orwell's “Animal farm”	37
Jamolova Z.N. Adabiy obzorga xos poetik xususiyatlar	40
Khodjaeva D., Eshpulatova M.M. Comparative analysis of introductory words in Uzbek, English and Russian languages	43
Madjidova R.U., Khusanov E.D. Ingliz adabiy tili va unda dialektizmlarning xususiyatlari	46
Mahmudova N. Sodda gapning murakkablashuvi xususida	49
Mamadaliyeva S.A., Vardiyashvili G.A. Adabiy -tanqidiy maktubning genezisi	51
Mamatova D.M. Xitoy tilida ta’ m bildiruvchi sifatlar diskursi	53
Mamirbaeva D.Dj., Jumamuratova D. The Importance of Project-based tasks in Developing Pedagogical Discourse Analysis	57
Masharipova V.S. Asar qahramonlarning imijlarini tavsiflashning no verbal usullari	60
Nematova N.A. Konnotatsiyani lingvokulturologiyada aniqlash muammosi	63
Niyazmetova D., Kazakova N.D. The usage-based theory of language acquisition	67
Novik K.P. English and russian proverbs in the pragmalingvocultural aspect	70
Qobilova N.S., Ollomurodov A.O. O‘zbek va ingliz tilidagi konseptual metaforalar tarjimasining qiyosiy tahlili	73
Qodirova N. “Olami sibyon” – “tarjumon” ilovasi	77
Rahmatova M.M., G‘aniyeva N.G’. XX -XXI asr Amerika she’riyati tendensiyalari	80
Rajabov A.U. O‘zbek zamonaviy adabiyoti rivojlanish bosqichlari	82
Rajabov A.U. O‘zbek zamonaviy adabiyoti taraqqiyoti	86
Rakhmatova M.M., Botirova N.F. Poetic voice of Alma Luz Villanueva’s “Mother, may i?”	89
Ribinskaya E. G. Analysis of slang as a subsystem of language	92
Rustamova Sh.A. Nutqiy kalimalarining tarjima qilinishi: lingvistik tahlil	94
Ruziyeva N.Z. Evfemizm va sinonimiya munosabati xususida	97
Safarova F.N. Derivation of gastronomy terms in english and uzbek languages	99
Safarova M.Z. Buxoro viloyati hududidagi etnotoponimlarning grammatik tuzulishi xususida	102
Saidova Z.Kh. Lexico-semantic classification of phraseological units and their relation to the lexical layer	105
Samandarova G.I. Sohaga oid lingvistik terminologiya tahlil qilish tushunchasi	108
Samandarova L.S. Erkin Samandar romanlarida mif, afsona va rivoyatlarning o‘rni	110
Samandarova S.F. George Orwell and his place in the development of new journalism – a new trend in literature	113

Saydakhmatova H.I. Zamonaviy kognitiv lingvistikada kontsept tushunchasi va unga aloqador hodisalar	115
Sobirova M.J. Terminologik tezauruslar dolzarbligi va ularning lingvistik ontologiya uchun ahamiyati	118
Sultanova D., Rajabboyeva F. Problems of translating phraseological units from uzbek to English	120
To'yboyeva Sh.R. Ajratilgan bo'lakli gaplarda binar konstruksiyaning ifodalanishi	123
Umarova Z. X. Lingocultural peculiarities of terms related to tourism	126
Xajjeva D.A. Zamonaviy o'zbek she'riyati va folklor munosabati xususida	128
Xakimbayeva O.K. Ayol va erkaklarning ijtimoiy va fiziologik xususiyatlarini aks ettiruvchi konseptual qatlamlar	131
Xalilova D.J. O'zbek detektiv nasrida jinoyat va jazo muammosi hamda syujet sxemasi	133
Xamidova M., Abdulloeva N. O'zbek rus va fransuz tillarida "minnatdorchilik" kategoriyasi	138
Xamidova S.N. Kognitivlik va uning lisoniy kategoriyalarda ifodalanishi	141
Xasanova G.Sh. Alisher Ibodinov qissalarida davr va qahramon masalasi	143
Xodjayeva D.I., Bozorova M.A. Noverbal muloqot va uning tamoyillari	146
Xo'jaeva G.S. Lingvistik atamalar va lingvistik lug'atlar tahlili	149
Алланазарова С.Х. Ономастикада атоқли отларни ўрганишнинг асосий терминологияси	151
Аширматова М.Ж., Бурхонова Г.М. Қишлоқ хўжалиги терминларининг ўзбек ва рус тилларида тезаурусини яратишни такомиллаштириш	153
Бердимуратова Л.Д. Қизилқум худудидаги гидронимлар	156
Бухарова М.Х. Тил ижтимоий функциясининг илмий асоси	159
Гулматова М. Монография жанри илмий алоқа воситаси сифатида	161
Даниева М.Дж. Луғавий бирликлар ўртасида семантик мослашув масалалари	163
Джаббарова М.Г. Фразеологический пласт и область его изучения	166
Жаббарова Ю.Х. Лингвомаданиятшуносликда концепт тушунчаси	168
Жомардова Д.Қ. Тиббиёт реклама матнларида апеллятив лексика	170
Жумаев Р.Х. Садриддин Айний асарларида туркий-ўзбекча қатламга мансуб топонимлар	173
Жумаева Ш.Ш. Ойбекнинг "Навой" асарида реалиялар ва уларнинг инглизча таржимада берилиши	176
Ибратов Б.Б. Оламнинг ономастик манзарасида исм-шарифларнинг ўрганилиши	179
Икромова Н. Психоллингвистика как раздел науки переводоведение	181
Казakov И.Р. Фразеологияда миллий-маданий хусусиятлар ифодаси	185
Қулмаматов О.А. Аскияда кулги уйғотувчи воситалар	190
Матқулиева М.Ф. "Шахриёр" достони сюжетининг шаклланишида тотемистик тасаввурлар ва мифларнинг таъсири	194
Попов Д.В. Проблемы ментальности и ее отражение в языке	197
Ражабова Д. Инглиз адабиётида тарихий роман генезиси	200
Расулов З.И., Акрамова М.Б. Речевая компрессия в синхронном переводе	203
Раупова М.Н. Таржима трансформациялари	206
Рузиева Н.З. Эвфемизм ва фразеологизмлар муносабати	213
Рузимбаев Х.С. Экзотическая лексика в романе Ю.Домбровского «Факультет ненужных вещей»	216
Салаева Г.Ф. Айрим инглизча ўзлашмалар ҳақида	218
Сафаров Ф. Ўзбек адабий тили қурилишининг бош хусусияти	220
Чоракулова Д.З. Ойконимия ва унинг хусусиятлари	223
Шарипова М.К. Роль и место СМИ в кодификации аббревиатур	227
Эльманова М.Т. Проблемы социальной мобильности в романах Джойс Кэрол Оутс	231
Эрназарова Н.Х. Инглиз тилида нутқ турлари	233

Халқимизга тадбиркорликда чет эллик шериклар жуда зарур, “франчайзинг” ўзлашмаси имлоси ва талаффузига ҳали халқимиз мослашгани йўқ, бу борада “инвестиция” сўзини кўпроқ қўлаймиз.

“Скинхед” сўзи тилимизга тўла ўзлашмаса ҳам керак, зеро “сочини тақир олдириб, кўчада тартибсизлик қилиш” халқимиз учун ёт ва маъқул бўлмаган ҳаракатдир. Шу маънода юқорида номланган “нотаниш ўзлашмалар”нинг тилимизга сингиб “ўзбекчалашиб” кетиши фақат ва фақат халқимизнинг уларга бўлган муносабатига боғлиқ, тил эгалари уларни маъқул кўришса тилимизга олинади, бўлмаса юқоридаги каби улар айрим газета саҳифаларида муайян журналистлар томонидан қўлланилганича қолиб кетаверишади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жуманиёзов О. Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари. Тошкент, «Фан», 1987.
 2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М., 1981. Ўзбек совет энциклопедияси. Тошкент, 1971 – 80 йй.
 3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М., 1981. Русча интернационал сўзлар изоҳли луғати. Тошкент, 1972.
- Сиссий ахборотчи ва агитаторнинг қисқача изоҳли луғати. Тошкент, 1975.

УЎК 821

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ҚУРИЛИШИНING БОШ ХУСУСИЯТИ

Ф. Сафаров, докторант, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада ўзбек адабий тили қурилишининг бош хусусияти очиб берилади. Ўзбек адабий тили қурилишининг бош хусусияти тежамкорлик яни гап, гап ва матнда сўз ва қўшимчани тежаб ишлатиш эканлиги илмий адабиётлардаги фикрларга таяниб асосланади. Бундан асослаш учун ўзбек тили ҳодисалари флектив тиллар (араб, рус, немис) тили билан қиёслашдан фойдаланилади. Ўзбек адабий тили бўлимлари меъёрини ислоҳ қилиш учун тежамкорликка асосланиб иш кўриш лозимлиги далилланади.

Калит сўзлар: ўзбек адабий тили қурилишининг бош хусусияти, тежамкорлик, сўзни тежаш, қўшимчани тежаш, тиниш белгиларининг тежаб ишлатилиши, флектив тил, агглютинатив тил.

Аннотация. В статье разъясняется главная особенность строя узбекского литературного языка, опираясь на мнения в научной литературе. В ней обосновывается, что главной особенностью строя узбекского литературного языка является экономия, то есть экономное использование в предложении и тексте слов и суффиксов. Для обоснования этого явления узбекского языка сравниваются с явлениями флективных языков (арабского, русского, немецкого). Утверждается, что для реформирования норм узбекского литературного языка необходимо вести работу исходя из свойства экономии.

Ключевые слова: главная особенность строя узбекского литературного языка, экономия, экономия слов, экономия аффиксов, экономное употребление знаков препинания, флективный язык, агглютинативный язык.

Abstract. The article explains the main feature of the structure of the Uzbek literary language. It substantiates that the main feature of the structure of the Uzbek literary language is economy, that is, the economical use of words and suffixes in a sentence and text. To substantiate this phenomenon, the Uzbek language is compared with the phenomena of inflectional languages (Arabic, Russian, German). It is argued that in order to reform the norms of the Uzbek literary language, it is necessary to work on the basis of the property of economy.

Key words: the main feature of the structure of the Uzbek literary language, economy, economy of words, economy of affixes, economical use of punctuation marks, inflectional language, agglutinative language.

Шўро даврида ўзбек адабий тили меъёрлари (имловий, талаффуз, луғавий, грамматик, пунктуацион) кўп ҳолда рус тилининг хусусиятига асосланиб белгиланди. Бинобарин бугунги кунда ўзбек тилшунослиги олдида турган бирламчи вазифа она тилининг систем тузилиши, яъни субутий сифатларига асосланган ҳолда адабий тил меъёрларини ислоҳ қилишдан иборатдир [1, 56]. Адабий тил меъёрларини ислоҳ қилиш учун аввало ўзбек адабий

қурилишининг бош хусусиятини аниқлаш лозим. Тилшунос Ғ. Н. Зикриллаев анъанавий, структур ва систем тилшунослик ютуқларига асосланиб она тили системасининг энг муҳим белгиларини умумлаштириш ва ўзбек тилини тузилиши жиҳатидан бошқа (флектив) гуруҳга мансуб тиллар билан қиёслаш натижасида ўзбек адабий тили қурилишининг бош хусусияти *тежамкорлик* эканлигини асослаб берган [2, 56 – 64; 1, 42 – 57; 3, 62 – 65]. Ғ. Н. Зикриллаев дастлаб тежамкорлик ўзбек тилининг грамматик қурилишига хос деб ҳисоблаб *ўзбек тили грамматик қурилишининг бош хусусияти* атамасини ишлатади ва тежамкорлик деганда энг аввало гап (матн)да сўз ва қўшимча (аффикс)ни тежаб ишлатиш назарда тутилади деб ёзади [2, 56 – 57]. Ундан сўнг ўзбек тилининг систем тузилишини флектив (рус, немис) тиллар билан қиёслаб *ўзбек тили систем тузилишининг бош хусусияти* атамасини қўллайди [1, 57]. Кейинчалик тежамкорлик ўзбек адабий тилининг барча бўлими бирликларига хос эканлигини аниқлаб *ўзбек адабий тили қурилишининг бош хусусияти* атамасидан фойдаланади [3, 62 – 65]. Назарий тилшунослик асосчиси В. Ҳумболт тилни моҳиятига кўра руҳий қувват, руҳий фаолият, тузилиш жиҳатдан бутунлик, тизим-системадир; шу бутунликнинг ҳар бир унсурида унинг характерли белгилари мужассам бўлади дейди [4, 71 – 72]. Ғ. Н. Зикриллаев ўзбек адабий тили қурилишининг бош хусусияти тежамкорлик эканлигини асослаш учун В. Ҳумболтнинг фикрига таяниб тузилиши жиҳатидан турлича бўлган тилларда бир сўзни қиёслайди: Ҳақиқатан шундайлигини билиш учун мисол тариқасида битта феълни тўртта тилда олиб кўрамиз: قرأ (*қрь*) – *чита – les – ўқи*. Араб тилида ўзак учта ундошдан иборат бўлиб на луғавий на грамматик маъно билдирмайди. Унга унли қўшилса *қараъа – ўқиди* бирданига луғавий ва бир нечта грамматик маъно намоён бўлади. Рус тилида феълнинг ўзаги фақат луғавий (аташ) маъно англатади. Грамматик маъно ифодаланиши учун қўшимча қўлланиши лозим (*чита-й – ўқи*). Немис тилида ўзакдан луғавий маъно англашилиб грамматик маъно унли ўзгариши билан ифода этилади (*lies – ўқи*). Ўзбек тилида эса тамоман бошқача ҳолга дуч келамиз. Феълнинг ўзаги (*ўқи*) фақат луғавий эмас, бир нечта грамматик маъно ҳам ифодалайди. Чунончи буйруқ, шахс, сон, замон, ўтимлилик, бўлишлилик маънолари англашилиб ҳурмат, тарз (аспект)га бетарафлик (нейтраллик) мавжуд бўлади. Кўринадики рус ва немис тилларида луғавий ва грамматик маъно алоҳида-алоҳида восита билан ифодаланса араб тилида луғавий маъно ифодаланишида ҳам ундош ҳам унли иштирок этиб грамматик маъно фақат унли воситасида намоён бўлади. Ўзбек тилида эса луғавий маъно ва грамматик маънонинг кўпчилиги бирор қўшимча воситасиз феълнинг ўзагидан англашилаверади. Бунинг асосий сабаби шуки мазкур халқларнинг борлиқни идрок қилиши, аниқроғи миллий тилларнинг шаклланиш даврида борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг тушунчага айланиш тарзи бир хил бўлмаган. Араб ва ўзбек (туркий) халқлари *тежамкорлик* йўлини тутган бўлса славян ва герман халқлари бошқа йўлдан борган [3, 62 – 63].

Тилшунос фикрини давом эттириб бу тиллардаги бошқа сўз туркумларида ҳам шунга ўхшаш фарқ борлигини айтади. Жумладан, деб ёзади олим, *отнинг кўплиги* рус тилида бир неча қўшимча, араб тилида қўшимча ва товуш ўзгариши, немис тилида тўртта қўшимча, товуш ўзгариши (умлаут) ва ёрдамчи сўз (артикл) воситасида ифода этилади. Ўзбек тилида бу маънони ифодалаш учун атиги битта қўшимча (*-лар*) бор. Бунинг сабаби шуки отнинг *-лар* олмаган шакли (*ўзак, негиз*) ҳам кўплик ифодалашда иштирок этади. Аниқроқ қилиб айтганда отнинг ўзак, негизи *бирлик, умумийлик, кўплик* маъноларига бетараф (нейтрал) бўлиб гап (контекст)да учала маънодан қайси бири учун қулайлик бўлса ўшасини ифодалашда иштирок этади: *икки бола, айрим одам, машқ тўплами* ва ҳоказо. Бу мисолларда кўплик ифодаланашига луғавий восита қулайлик туғдирмоқда. Демак кўплик ифодалашда иккита восита (отнинг ўзак, негизи + луғавий восита) иштирок этмоқда. Бундан ташқари мантиқан аёнлик кўплик ифодаланиши учун қулайлик туғдиради: *Дарахт барги тўкилди*. Бу мисолда барг кўпликни билдиради. Чунки битта барг тўкилмаслиги мантиқан аён. Кўринадики қулайлик мавжуд бўлса от *-лар* олмасдан ҳам кўплик билдираверади. Бу *тежамкорлик* бўлиб ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятидир. Қадимдан то ҳозиргача шундай. Шунинг учун икки жилдда нашр этилган ўзбек халқ мақолларида *-лар* умуман учрамайди. *Бола азиз, одоби ундан азиз* деганда битта бола эмас, умуман бола тушунилади. Маҳмуд Кошғарийнинг *Девону луготит турк*

асарида шундай мисра бор: *Ивриқ идиш тизилди*. Феълдан кўплик англашилгани боис отга -лар қўшилмаган, мисра тузишда шу инобатга олинган [3, 62 – 63].

Ф. Сафаров номзодлик ишида Ғ. Н. Зикриллаевнинг қарашларига таяниб сон-микдор микромайдони воситаларига тежамкорлик хослигини атрофлича кўрсатиб берди [5]. Ғ. Зикриллаевнинг ёзишча ҳозирги ўзбек адабий тилида баён ноҳиссий бўлганда сўз ҳам тежаллади: *Келдим. Келса кўради*. Биринчи мисолда мустақил сўз (*мен*) тежалган бўлса иккинчисида гапнинг биринчи қисмида мустақил ва ёрдамчи сўз (*у, агар*), иккинчи қисмида мустақил сўз (*у*) тежалган. Рус ва немис тилларида мазкур сўзларнинг қўлланиши шарт: *Я пришёл. – Ich kam. Если он придёт, он увидет. – Wen er kommt, sieht er*. Араб тилида эса ўзбек тилидагидек олмош (*ана*) ишлатилмайди. Иккинчи мисолда эргаш гапда ёрдамчи сўз (*ин*) тежалмайди, мустақил сўз (*хува*) эса тежаллади. Бундан ташқари араб тилида тиниш белгиси ишлатилмайди. Ўзбек тилида фақат гап охирига нуқта қўйилади. Рус ва немис тилларида гап охирига нуқта қўйилиб қўшма гап қисмлари вергул билан ажратилади [3, 64 – 65].

Ғ. Зикриллаев тежамкорлик ўзбек тилининг синтактик бирликларига ҳам хослигини асослаб беради: Тежамкорлик синтактик бирликларининг шаклланишида ҳам зуҳур бўлади. Ўзлаштира хабар, буйруқ ва сўрокнинг ифодаланиши бунга мисол бўла олади. Жумладан ўзлаштира хабар биргина *-(у)бди* қўшимчаси билан билан ифодаланади (қиёсланг: *Олди*). Иккинчи мисолда сўзловчи кўрган (шоҳиди бўлган), биринчи мисолда эса эшитган хабар акс этган. Шунга кўра биринчи мисолни ўзлаштира гап деймиз. Синтактик йўл билан ҳосил бўлувчи ўзлаштира гап (*Олганини айтди*)дан фарқи хабар манбаи (муаллифи)нинг кўрсатилмаганлигидир. Нутқий мақсаду вазифа тақозо қилса хабар манбаи (эгаси) луғавий ва бошқа восита билан ифода этилади: *Устод! Қаландар Қарноқий оламдан ўтибди... – Ким хабар қилди? Хабарни уста бобо етказди* (О. Ёқубов, Улуғбек хазинаси). Бу матнда фақат *-(у)бди* шакли билан ифодаланган кесим (*оламдан ўтибди*)ни қолдирса ҳам хабарнинг эшитилганлиги англашилаверади. Бинобарин синтактик маъно морфологик восита билан ифодаланиб ихчамликка эришилади. Рус тилида мазкур маъно қўшма гап орқали ифодаланади: *Уста бобо передал, что Каландар Карнаки умер* [2, 64 – 65].

Тадқиқотчи Э. Жумаев ўз диссертациясида ўзбек адабий тилида ўзлаштира хабар, ўзлаштира буйруқ ва ўзлаштира сўрокнинг *-(у)бди* шаклидан ташқари *-ган экан, -ган эмиш, -(а)р экан, -(а)р эмиш, -(а)ётган экан, -(а)ётган эмиш, -адиган (-йдиган) экан, -адиган (-йдиган) эмиш, -моқчи экан, -моқчи эмиш, -син экан, -син эмиш* шакллари ҳамда *от ва бошқа сўз туркумлари + экан, эмиш тўлиқсиз феъли* орқали ҳам ифодаланишини ёзиб бу шакллардан бир нечтасида ўзлаштирмалик намоён бўлишини узвли, контекстуал ва матний таҳлил усуллари ёрдамида очиб берди [6].

Ғ. Н. Зикриллаев тежамкорликни ўзбек тили пунктуациясига ҳам татбиқ қилиб тиниш белгиларининг қўлланиш қоидаларини ўзбек адабий қурилишининг бош хусусияти асосида ислоҳ қилди [3, 453 – 461]. Олимнинг ёзишча матн қисмларини боғлаш вазифасини боғловчи, боғловчи вазифасидаги сўз ёки қўшимча бажарса тиниш белгиси қўлланмай тежаллади. Ана шу умумий қоидадир. Матннинг бошқа турлари, бошқа синтактик бирликлар (гап, бирикма, уюшиқ бўлак ва ҳоказо)да тиниш белгиларини тежаб ишлатишда ҳам шу умумий қоидага асосланилади. Шунда тиниш белгиларини ишлатишда рус тилига тақлиддан тўлиқ халос бўламиз [3, 461].

Шуни ҳам айтиш керакки ўзбек адабий тилининг тежамкорлик асосида белгиланган меъёр ва қоидалари амалиётга ҳам татбиқ қилинди. Азизхўжа Иноятов ва Ғани Зикриллаев томонидан ёзилган *Қуръони карим оятлари мазмун-маъносининг ўзбекча изоҳли таржимаси* китоби [7]да тежамкорликка риоя қилиниб сўз, қўшимча ва тиниш белгилари тежаб ишлатилган.

Хулоса қилиб айтганда тежамкорлик ўзбек тилида лисоний бирликларнинг барчасига турли кўриниш ва даражада хос. Жумладан феъл ўзак, негизининг бир нечта грамматик маъно ифодалаб мустақил гап бўлиб келиши, қўшимчанинг тежаб ишлатилиши, бирикмада сўз қўлланмаслиги, гапда мустақил ва ёрдамчи сўз ишлатилмаслиги, айрим отнинг ҳеч қандай қўшимча олмай ҳам мавжудот, ҳам белги белги маъносини, бир қанча сифатнинг ҳам

мавжудот, ҳам иш-ҳаракатнинг белгисини билдириши, ўзлаштирма хабар, буйрук, сўроқнинг қўшимча билан ифодаланиши, содда ва қўшма гапдаги шаклий ҳамда мазмуний номувофиқлик, содда гап билан эргашган қўшма гап маънодошлиги, боғловчисиз қўшма гап ва боғланган қўшма гап маънодошлиги, уюшган гап, пресуппозиция, импликация ҳодисаси, тўлиқсиз гапнинг барча тури тежамкорликнинг турлича кўринишидир. Шунга асосланиб ўзбек адабий тили қурилишининг бош хусусиятини *тежамкорлик* деб атаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Зикриллаев Ғ. Истиқлол ва адабий тил. -Тошкент, Фан, 2004.
2. Истиқлол ва она тили таълими. -Тошкент, “Фан”, 2000.
3. Зикриллаев Ғ. Рух ва тил. -Тошкент, “Фан”, 2018.
4. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. -Москва, 1963.
5. Сафаров Ф. Ўзбек тилида сон-микдор микромайдони ва унинг лисоний-нуткий хусусияти. Фил. фан. номз. дисс. -Самарқанд, 2004.
6. Жумаев Э. Ўзбек адабий тилида ўзлаштирмалик ва матн. Фил. фан. фалс. докт. дисс. Бухоро, 2021.
7. Иноятов А., Зикриллаев Ғ. Қуръони карим оятлари мазмун-маъносининг ўзбекча изоҳли таржимаси. -Тошкент, Ҳилол-Нашр, 2022.

УЎК 81'373.211.1

ОЙКОНИМИЯ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.З. Чоракулова, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. *Ойконимия тилнинг лексик тизимининг бир қисми сифатида ҳар қандай турдаги аҳоли пунктларининг географик номлари мажмуи сифатида тадқиқ қилинади. Тил тизимидаги ойконимик лексиканинг позицияси тилга тизимли ва функционал ёндашув нуқтаи назаридан қўриб чиқилади. Тадқиқот давомида ушбу мақолада келтирилган ойконим луғатининг ажралмас хусусиятлари аниқланади.*

Калим сўзлар: *Ономастика, оним, топонимия, топоним, топонимик лексика, ойконимия, ойконим, лексика, тил функцияси, тил системаси.*

Аннотация. *Ойконимия изучается как совокупность географических названий населенных пунктов любого рода в составе лексической системы языка. Положение ойконимической лексики в языковой системе рассматривается с точки зрения структурно-функционального подхода к языку. В ходе исследования выявлены неотъемлемые черты словаря ойконим, представленного в данной статье.*

Ключевые слова: *Ономастика, оним, топонимия, топоним, топонимическая лексика, ойконимия, ойконим, лексика, функция языка, система языка.*

Abstract. *Oikonymy is studied as a set of geographical names of settlements of any kind as part of the lexical system of a language. The position of oikonymic vocabulary in the language system is considered from the point of view of the structural-functional approach to the language. The study revealed the integral features of the oikonym dictionary presented in this article.*

Keywords: *Onomastics, onym, toponymy, toponym, toponymic vocabulary, oikonymy, oikonym, vocabulary, language function, language system.*

Ойконимиянинг ўзига хос хусусиятларини – шаҳар ва қишлоқ типидagi аҳоли пунктларининг ўзига хос номлари йиғиндисини аниқлашга киришишдан олдин, ойконимик луғатнинг тил тизимида жойлашиши билан боғлиқ масалани ҳал қилиш керак. Келинг, ушбу муаммони тилга тизимли-функционал ёндашув нуқтаи назаридан кўриб чиқайлик. "Функция ҳар қандай тизимнинг, шу жумладан тилнинг хатти-ҳаракатларини белгилайдиган ядродир" [1:6]. Тилнинг тизим сифатида асосий вазифаси коммуникатив бўлиб, у тилнинг турли даражаларида турли йўллар билан намоён бўлади [2: 30]. Коммуникатив функциянинг турли хил модификациялари тил тизимини алоҳида қуйи тизимларга бўлиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Мелниковадан кейин биз коммуникатив модификацияга луғат даражасидаги функциялар номинатив функция, бу луғатни тилнинг қуйи тизими сифатида кўриб чиқишга асос беради деб ҳисоблаймиз [3: 19].

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

**№3/4 (99)
2023 й., март**

Ўзбекча матн муҳаррири:
Русча матн муҳаррири:
Инглизча матн муҳаррири:
Мусахҳиҳ:
Техник муҳаррир:

Рўзметов Дилшод
Ҳасанов Шодлик
Мадаминов Руслан, Ламерс Жон
Ўрозбоев Абдулла
Шомуродов Журъат

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 06.03.2023
Босишга рухсат этилди: 14.03.2023.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 15,3 б.т. Буюртма: № 3-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими
220900, Хива, Марказ-1
Тел/факс: (0 362) 226-20-28
E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
xma_axborotnomasi@mail.ru



(+998) 97-458-28-18